

# ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ШАРТНОМА № 248/1

2022 йил «23» «11»  
шаҳри

Наманган

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш юритувчи директор Д.Матмусаев бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган «Юксалиш Курилиш Лойиха Ишлари» МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи фирма директори М.Бурханов иккинчи томондан, мазкур Наманган вилояти Норин тумани «Тошлок» МФЙ биносини реконструкция қилиш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш шартномасини тузиб имзоладилар.

## I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш (ЛСХ ва бирламчи лойиха олди хужжатлари билан бирга) лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш, ушбу ЛСХ бўйича муаллифлик назоратини амалга ошириш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Бажарувчига лойиха-смета хужжатларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ ҚОИДАЛАРИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, ишчи лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун Бажарувчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда КҚС сиз 15 600 000 (Ун беш миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги лойиха ишларини бажариш жадвалига мувофиқ бажарилади.

2.2 Мазкур шартнома Ҳазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳамда Буюртмачининг объект бўйича шахсий ҳисоб варағига тегишли бюджетдан маблағ тушганидан сўнг 10 кун ичида шартнома суммасининг 30 % миқдорда аванс тўловини амалга оширади.

2.3 Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш объект бўйича экспертиза ҳулосаси олиниб ва 3 (уч) нусхада лойиха-смета ва бирламчи хужжатларни Буюртмачига далоатнома асосида расмийлаштириб тақдим этилгандан сўнг, Буюртмачининг объект бўйича тегишли бюджетдан ажратилгандан маблағлар доирасида 15 кун ичида амалга оширилади. Бунда «Буюртмачи» «Бажарувчи» олдида тўлиқ ёки ўз вақтида молиялаштирилмаган маблағлар учун жавобгар эмас.

2.4 Шартномада кўрсатилган объект бўйича олиб бориладиган муаллифлик назорати ушбу шартнома қиймати доирасида ҳисобланади.

2.5 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи, Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

## III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ лойиха ва кидирув ишларини бажариш учун дастлабки маълумотларнинг ҳаққонийлигига жавобгардир;

✓ лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиққандан сўнг лойиха-смета хужжатларини давлат экспертизаси ва комплекс экспертизадан ўтказишни ўз зиммасига олади;

✓ тайёр бўлган лойиха-смета хужжатларини буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотлар (шу жумладан ободонлаштириш, сув таъминоти, электр тармоқлари, газ таъминоти ташкилотлари) билан келишиб олиши шарт;

✓ барча ишларини мазкур шартномада ҳамда унинг 1 ва 2 иловасига мувофиқ лойиха ишларни бажариш учун шартномада назарда тутилган муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда



ишни **Буюртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ экспертизадан ўтган лойиха-смета ҳужжатларини 3 кун муддат ичида 3 (уч) нусхада буюртмачига тақдим этиш;

✓ ишларни бажариш давомида **Буюртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилиш (оператив) сўровларни 3 кун муддатда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объект бўйича тайёрланган (ишлаб чиқарилган) лойиха смета ҳужжатларидаги қабул қилинган лойиха ечимлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи тўлиқ қоплайди ҳамда буюртмачи олдида мулкий жавобгар бўлади;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

✓ Буюртмачи розилигисиз лойиха-смета ҳужжатларини учинчи шахсга бермаслиги шарт.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз қучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Буюртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкий жавоб беради.

3.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 ноябрдаги ПФ-5577-сон фармонида асосан объектни қуришнинг барча босқичларида муаллифлик назорати мажбурийдир ва Лойихачи шартнома қиймати доирасида муаллифлик назоратини олиб бориши шарт;

✓ Бажарувчи лойиха-смета бўйича қурилаётган объектга ҳар ойда 3 мартаба муаллифлик назорати учун бориши шарт.

3.4 Лойихачи лойиха-смета ҳужжатлари ва кидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари ва бажарилган кидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета ҳужжатларида ёки кидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Лойихачи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча кидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

#### IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи**:

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини **10 (ўн) кун** муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Бажарувчига** бюджетдан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Ушбу шартнома бўйича лойиха сметалари учун бюджетдан ажратилган маблағлар етарли бўлмаса, ушбу маблағларни тўлаш бўйича буюртмачи жавобгар бўлмайди;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

4.2 Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларини ёки бажарилган кидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан буюртмачига нисатан қўзғатилган даъво аризаси бўйича ишга қатнашишга Лойихачи жалб қилиниши шарт.

#### V. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1 Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш лойиха-смета ҳужжатларини бажариш лойиха олди топшириги талабларига биноан белгиланади.

5.2 Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Лойихачи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан ҳужжатлар тўпламини топширади.

5.3 Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 5.2 бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Лойихачига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликни асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

5.4 Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда икки томонлама далолатнома тузади.



5.5 Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирларини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

5.6 Лозим топилган ҳолларда томонлар ҳолис экспертизага лойиха бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

## V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома шартларига асосан тўловларни амалга оширилади.

## VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

✓ Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,2 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг **30 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Наманган туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

9.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.5 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинишда йўл қўйилмаслик ва тақлиф этмасликни кафолатлайди.

9.9 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва газначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг қучга қиради.

9.10 Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари бекор бўлишига олиб келади.

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«БУЮРТМАЧИ»

Наманган вилояти ҳокимлиги ягона  
буюртмачи инжиниринг компанияси

Манзилгоҳ: Наманганская область г. Наманган  
Наманган шаҳар А.Темур куча 105-уй

Телефон: 233-06-11

Шхв: 30182186014017011402259021

Бюджетдан маблағ олувчи СТИР 204 808 298

ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Газначилик бўлини маси номи: Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО: 00014

ИНН 201 122 919

Банк: ХККМ МБ Тошкент шаҳри Бош  
бошқармаси

Директор



Д.Маммусаев

«БАЖАРУВЧИ»

«Юксалиш Қурилиш Лойиҳа Ишлари» МЧЖ

Манзилгоҳ: Наманган ш. Н.Намонгоний куча 18-уй

Х/р: 2020 8000 705 102 147 001


Банк: «Асака банк» Наманган бўлими

МФО: 00231

ИНН: 306583798

ОКЭД: 41100

Директор



М.Бурханов.

## Хуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида хуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания хуқуқий маслаҳатчиси

К.Тулашев

« \_\_\_\_\_ »

2022 йил



« 23 » 11 2022 йил  
241-сонли шартномага

Ишларни амалга ошириш баҳосини аниқлаш

С М Е Т А С И

Наманган вилояти Норин тумани “Тошлок” МФЙ биносини реконструкция қилиш  
объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш

Буюртмачининг номи: Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси

Лойиха таъкилотининг номи: “Юксалиш Қурилиш Лойиха Ишлари” МЧЖ

т/р	Ишларнинг номи	Лойихалаш ва кидирув учун нархлар тупламининг қисмлар, боблар, жадваллар ва бандлари	Баҳосини ҳисоблаш	Баҳоси сўм
1	2	3	4	5
1	Наманган вилояти Норин тумани “Тошлок” МФЙ биносини реконструкция қилиш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш Қурилиш қиймати сўм	Лойиха-тадқиқот ишларини қийматини аниқлаш тартиби тўғридаги Низомнинг 1 илова 44,5 т.р, 4 илова 9 т.р.	2 126 646 061 х 0,0075	15 600 000
Жами:				15 600 000

Смета бўйича жами ККС сиз: 15 600 000 (Ун беш миллион олти юз минг) сўм.

Директор



М.Бурханов.

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

«23» ноябр 2022 йил

Наманган ш.

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи.Инжиниринг компанияси ташкилоти томонидан 2022 йил 11 ноябр № 22110012189062-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли “Давлат харидлари “ тўғрисидаги қонунни 56 ва 58 моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Норин тумани "Тошлоқ" МФЙ биносини реконструкция қилиш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур савдо якуни бўйича YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари “тўғрисидаги қонунни 62 моддасига асосан Давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда Давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.Шунга асосан икки иш кун ичида танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, буюртмачи ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Компания директори



Д.Матмусаев

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 189062 на приобретение Норин тумани "Тошлоқ" МФЙ биносини реконструкция қилиш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш**

Способ проведения электронный

Дата 19.11.2022

Время рассмотрения 18.11.2022 23:56

Закупочная комиссия Наманган вилояти хокимлиги ЯБИК (Обод кишлок), (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Иқтисодий масалалар бўйича директор ўрин босари	Наманган ЯБИК
<b>Секретарь комиссии</b>	ТОҶТАБАҲҲЕВ АКРАМҲОН ВОҲИҲЕВICH	Бош мутахассис	Наманган ЯБИК
<b>Член комиссии</b>	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	земеститель директора	ГАН
<b>Член комиссии</b>	DEDAХАNOV FARXOD BAХODIROVICH	Бош мутахассис	Наманган вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	SAYDAXMEDOV ISLOMХON ABDUMAXMUDХON O'G'LI	"Лойиха ва пудрат ташкilotлари фаолятини мувофиқлаштириш бўлими" бошлиғи	Вилоят қурилиш бош бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Етакчи мутахассис	"SHAHARSOZLIK HUIJATLARI EKSPERTIZASI" ДУК Наманган филиали

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.11.2022 года № лота 189062.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по разработке проектно-сметных работ</b>
Подробное описание	Норин тумани "Тошлоқ" МФЙ биносини реконструкция қилиш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	18 100 000.00
Стартовая сумма	18 100 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 .Танлаш иштирокчисининг охирги уч йилда аввалги йилларги лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	20	мавжуд	15	Экспертная		
<b>YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ</b>	20	20	18	Экспертная		

Критерий №2 Лойиҳачи ташкилот ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	20	мавжуд	16	Экспертная		
<b>YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ</b>	20	20	11	Экспертная		

Критерий №3 Лойиҳалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	5	мавжуд	2	Экспертная		
<b>YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ</b>	5	5	3	Экспертная		

Критерий №4 Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салоҳияти аввалги1 йиллар бўйича) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	20	мавжуд	15	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ</b>	20	20	18	Экспертная		

Критерий №5 Лойихачи ташкилотнинг ташкилий структураси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	5	мавжуд	2	Экспертная		
<b>YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ</b>	5	5	2	Экспертная		

Критерий №6 Мавжуд оргтехника (компьютер, принтер, лойихалаш дастурлари ) ва бошқалар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	20	мавжуд	18	Экспертная		
<b>YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ</b>	20	20	18	Экспертная		

Критерий №7 Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI</b>	5	мавжуд	5	Экспертная		
<b>YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ</b>	5	5	2	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>OOO</b>	18 100	18 100 000.00	18 100 000.00	00.00	18 100	18.11.2022	86.18785

ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI	000.00	UZS			000.00	14:27:51	
YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ	18 100 000.00	15 600 000.00 UZS	15 600 000.00	00.00	15 600 000.00	18.11.2022 15:26:47	100

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI	Прошел	86.18785	86.18785
YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 189062 от 19.11.2022 года на приобретение Норин тумани "Тошлоқ" МФЙ биносини реконструкция қилиш объекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш определила победителем:

YUKSALISH QURILISH LOYIHA ISHLARI MCHJ  
306583798

и резервный исполнитель: ООО ZAMONAVIY LOYIHA XIZMATI (306802215)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SAYDAXMEDOV ISLOMxon ABDUMAXMUDXON O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	JALILOV SHOKIRJON ZOKIRJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП







№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	Лойиха қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдан объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (ҳайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити				2022 йилда фойдаланишга топшириладиган		01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (ҳайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспертиза ҳулосаси рақами ва синаси	Тендер (танлов)лар натижасига бўйича баённома рақами ва синаси	Ташкилот номи	
								Жами капитал қўйилмалар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жилоз	шу жумладан		Қувват/муддат						Ассонй фонд суммаси
											Жами	буюртмачи бошқа харажатлари							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	
18	Чуст тумани "Гулзори" МФЙга маъмурий бино қуриш*	2022й	Объект					590,000	590,000	31,000								Танлов	
19	Чуст тумани "Навбахор" МФЙ биносини мукамал таъмирлаш*	2022й	Объект					300,000	300,000	21,000								Танлов	
20	Чуст туман "Богч эрам" МФЙ биносини мукамал таъмирлаш*	2022й	Объект					300,000	300,000	22,000								Танлов	

Изоҳ: \*) Ушбу Объектларнинг лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг объектлар қиймати аниқлик киритилади.

"КИРИТИЛДИ"

Наманган вилояти ҳокимлигининг  
ағона буюртмачи ширкати  
компания директори

Д.Маммаев

"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлигининг Наманган вилояти  
Молия Бош бошқармаси

З.Бахриддинов

"КЕЛИШИЛДИ"

Наманган вилояти  
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
юқсарттириш Бош бошқармаси

Абдуғаниев